Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1998 йил 9 май, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 33 (7030)

Da'vat

Муҳаббат бобидаги барча тасаввурларимиз биргина «Ватан» сўзида мужассамлашгандир. Ватанга нафи теккудек бўлса, ахир қайси виждонли одам унинг учун жон бермоққа иккиланар экан?

ЦИЦЕРОН

Ibrat

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига япон тили қутубхонаси тақдим этилди. У ерда таълим олаётган талабаларга мўлжалланган дарслик ва луғатлардан иборат қутубхонани мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Япония (Кейданрэн) иқтисодий ташкилотлари Федерацияси делегацияси номидан Х. Тойода хоним топширди.

O'zbekiston — Rossiya

ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР МАҲСУЛИ

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг таклифига биноан Россия Федерациясига давлат ташрифи жаҳон оммавий-ахборот воситларининг муҳим мавзуларидан бирига айланди. Албатта бу қизиқишнинг, қизиқишнинг бир қанча сабаблари бор. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз раҳбари ушбу сафарга жўнаб кетишдан олдин журналистларга берган интервьюсида жумладан шундай деди: *Эндигина мустақилликка эришган пайтларимизда Москванинг бизга муносабати бошқача эди. Очиғини айтсак, у ердаги айрим сиёсатчилар «булар биздан айрилиб қаёққа ҳам борарди, бир оз вақт утиб, яна олдимизга ўзлари ялинниб келади», деган фикрда эдилар. Улар бизга ҳамон собиқ Иттифоқнинг бир республикаси сингари қарашда давом этарди. Улар Узбекистон ўзининг мустақиллик йўлидан асло қайтмаслигини, бу давлат билан фақат алоқани мустаҳкамлаш кераклигини дастлаб тушуниб етмадилар. Улар манфаат топиш учун ўзаро тенг ҳуқуқли алоқаларни йўлга қўйиш кераклигини сингдиролмадилар. Бугун эса Россияда бундай қарашлар яхшилик томонга ўзгарганини кўриб турибмиз.*

Иккинчидан, тобора жаҳон цивилизациясига узвий боғланаётган, ривожланган мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлаётган Узбекистоннинг сиёсий, иқтисодий кўрсаттичларидан яқинякингача ўлкамизга «хом ашё базаси», дея баҳо бериб келаётган Россиянинг чиқарган хулосаси муҳим эди. Бизнингча, бу галги ташриф келажакда бу икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг ўз ўзанига тушганлигига ва бу йўлда имкониятлар, истиқболли режалар борлигига ойдинлик киритди. Оммавий ахборот воситалари ҳам буни эътироф этмоқда.

Чинданда ушбу ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар, бўлиб ўтган учрашувларда айтилган гаплар унинг самарали бўлганлигидан дарак беради. Икки давлат бошлиқлари — Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин қўшма баёнот имзоладилар. ИЛ-76 самолётларини ишлаб чиқариш ва эксплуатация қилиш, шунингдек, ИЛ-76 ва ИЛ-78 самолётларини эксплуатация ва модернизация қилинишини таъминлаш ҳамда модификациялаш соҳасида биргаликдаги ҳамкорлик тўғрисида Узбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида битим имзоланди. Узаро маданият ахборот марказларини таъсис қилиш ва уларнинг фаолият шароитлари ҳақида ҳамда Узбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Россия Федерациясидаги мақоми ва Россия Федерацияси оммавий ахборот воситалари мухбирларининг Узбекистон Республикасидаги мақоми ҳақида битим имзоланди.

Мазкур битимларни Узбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Россия томонидан ҳукумат раиси ўринбосари О. Сисуев имзоладилар.

Уз ташрифи давомида Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси ҳукумати раиси С. Кириенко билан учрашди. Шунингдек, Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясига ташриф буюриб, академия раҳбарлари ва илм-фан намояндалари вакиллари билан суҳбатлашди.

Узбекистон ва Россия раҳбарлари минтақада, хусусан Тожикистонда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида Узбекистон — Россия — Тожикистон учлар ҳамкорлигини барпо этишга (бу борада И. Каримов, Б. Ельцин Тожикистон Президенти И. Раҳмонов билан телефон орқали боғланиб, келишиб олишди. «НТВ» телеканали хабаридан) келишиб олишди. Бу яна бир бор мамлакатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда барқарорликни юзага келтиришга хайрихоҳлиги ҳамда ундаги айрим давлатларда юз бераётган ноҳуш вазиятларга жаҳон эътиборини қаратишга ва шу ўринда амалий чора-тадбирларни кўришга тайёрлигидан дарак беради.

Давлат ташрифи чоғида Узбекистон ва Россия мамлакатлари ўртасида кейинги ўн йилга мўлжалланган стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тузиш масаласи ва уни Президентлар томонидан келишиб олинган Россия Президенти Б. Ельциннинг Узбекистонга расмий ташрифи давомида, яъни амалдаги йилнинг октябрь ойи бошларида имзолаш тўғрисида бир тўхтамга келинди.

«Маърифат» шарҳловчиси

Xulosa

СЕССИЯ ЖАРАЁНИДАГИ ЎЙЛАР

Ҳуқуқий демократик жамиятда қонун ҳукмрон бўлади. Шу боис Ўзбекистон ривожланган давлат учун зарур бўлган барча соҳаларни қонунлаштирмоқда. Ҳис қилаётган бўлсангиз, улар пала-партиш ёки мақсадсиз қабул қилинаётгани йўқ. Улар ривожланиш жараёнида туғилаётган жамият эҳтиёжлари сифатида намоён бўлмоқда. Табиий эҳтиёж орқали ривожланиш эволюцион йўл, сунъий зўрмазўраки бўлса — революцион йўлдир. Сунъий революцион йўлнинг «лаззати»ни эса тотиб кўрганмиз. Бўлиб ўтган Олий Мажлисининг XI сессиясида қабул қилинган қатор қонунлар фикримизга яққол далил бўла олади. Галдаги вазифа уларни ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳисобланади.

Қонунларни ташвиқ этишда, дарсларда тушунтиришда, уларни ҳаётга татбиқ этишда халқ зиёлилари, хусусан педагогларнинг ўрни беқиёслиги ҳаммага маълум. Масалан сессияда «Ер кодекси», «Қишлоқ хўжалик ширкати», «Фермер хўжалиги», «Деҳқон хўжалиги» тўғрисидаги Қонунлар қабул қилинди. Уларни нафақат агроном, фермер ва ҳоказо қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрнига, олтин, пахта каби валюта заҳиралари эвазига фақат тайёр истеъмол моллари сотиб олаверши қарамликни келтириб чиқаради. Янгиланаётган дунёда қарамликда сақлашнинг ўзгача йўли бу. Мустақилликнинг илк кунлари Россиядаги айрим сиёсатчилар «Ўзбекистон бизсиз ҳеч қаерга боролмайди», деб ишонч билан жар солишларида жон бор эди. Чунки улар Ўзбекистонни 130 йил хом ашё базаси сифатида қарамликда сақладилар. Уларсиз ҳеч нарса ишлаб чиқариб бўлмаслигини биларди лар. Бу очиқ босқинчилик сиёсати эди. Оллоҳга шукр, қутулдик. Бундан кейин ҳарбий йўл билан мустамлакага айлантирилмайди ўлкалар. Ҳозир иқтисодий мустамлакага айлантиришга интилиш давридир. Иқтисодий мустамлакага эса дони, нефти етмайдиган, замонавий технологияси йўқ мамлакатларгина айланади. Бизда дон етишмовчилиги тугатилди, нефтимиз энг қимматбаҳо бензин бўлиб экспорт қилинмоқда, замонавий технологияларни яратиш учун эса бизда шароит бор.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришда иштирок этадиган касб-ҳунар соҳиблари, балки уларни тайёрлайдиган олийгоҳ билим юртларининг ўқитувчилари барча позикликлари билан тушунишлари ва ўз ўрнида ўқувчию талабаларга тушунтириб бера олишлари лозим. Бўлғуси ҳосилот, фермер, ҳисобчилар ҳам мазкур қонунларни келгусидаги фаолиятларида асосий таянч бўла оладиган даражада ўзлаштиришлари керак.

Юқоридаги масалалар, шунингдек, «Чет эл инвестициялари» ҳамда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари» тўғрисида қабул қилинган қонунларнинг аҳамияти ҳақида гапирар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ривожланган мамлакатлардан жалб қилинаётган сармояларнинг зарурати борасида тўхталиб ўз сиёсатини эълон қилди. Инвестицияларнинг Ўзбекистон учун афзаллиги масалаларини 1-синфдаги боладан тортиб олий ўқув юртида таҳсил олаётган талабагача билишларини хоҳлади. Дейлик, Ўзбекистоннинг валюта жамғармаси аниқ. Уни ошириш учун эса фақат экспортни ривожлантириш, яъни чет давлатларга тайёр маҳсулотни (хом ашёни эмас) сотиб фойда олишни йўлга қўйиш лозим. Тайёр маҳсулот ўз навбатида жаҳон андозаларига тўғри келсагина харидоргир бўлади. Бундай маҳсулотни ривожланган мамлакатларнинг илғор технологияларисиз ишлаб чиқиш қийин. Шу боис четдан технологиялар олиб келмоқ керак. Валюта миқдори аниқ дедик, демак мавжуд валютанинг асосий қисмини истеъмол молларига эмас, технологиялар келтириб ўрнатиш учун сарфламоқ керак, деган фикрни билдирди. Шу пайтгача ҳам шундай бўлганлигини, яъни валюта заҳирасидаги маблағнинг 70 фоизи технологияларга сарфланганини, бу эса давлатнинг ривожига ҳисса қўшаётганини Андижонда чиқаётган машиналаримиз, Бухорода йўлга қўйилган нефтни қайта ишлаш заводи мисолида кўрсатиб берди. Бироқ чет элдан технология олиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш уларга қарам бўлиб қолиш эмас. Бунда элликка эллик принципи ишлаётганини таъкидлади, Президент. Қарамлик бошқа нарса. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйиш ўрнига, олтин, пахта каби валюта заҳиралари эвазига фақат тайёр истеъмол моллари сотиб олаверши қарамликни келтириб чиқаради. Янгиланаётган дунёда қарамликда сақлашнинг ўзгача йўли бу. Мустақилликнинг илк кунлари Россиядаги айрим сиёсатчилар «Ўзбекистон бизсиз ҳеч қаерга боролмайди», деб ишонч билан жар солишларида жон бор эди. Чунки улар Ўзбекистонни 130 йил хом ашё базаси сифатида қарамликда сақладилар. Уларсиз ҳеч нарса ишлаб чиқариб бўлмаслигини биларди лар. Бу очиқ босқинчилик сиёсати эди. Оллоҳга шукр, қутулдик. Бундан кейин ҳарбий йўл билан мустамлакага айлантирилмайди ўлкалар. Ҳозир иқтисодий мустамлакага айлантиришга интилиш давридир. Иқтисодий мустамлакага эса дони, нефти етмайдиган, замонавий технологияси йўқ мамлакатларгина айланади. Бизда дон етишмовчилиги тугатилди, нефтимиз энг қимматбаҳо бензин бўлиб экспорт қилинмоқда, замонавий технологияларни яратиш учун эса бизда шароит бор.

Узоқ тарихга эга ижодкор, бунёдкор халқмиз. Мактабларимизда, лицей, олий ўқув юртларида зукко ёшларимиз таълим-тарбия олишмоқда. Уларни тарбиялаб тўғри йўлга бошлаб, шароит яратиб берсак, ҳавас қиларли, бизга ўхшамаган янги авлод пайдо бўлади.

Сессия жараёнида давлатимиз раҳбари неча бор сўзга чиққан бўлса, у ёшлар, уларнинг келажаги ҳақида ҳам гапирди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши жараёнида Наманган воқеалари эсланди. Маърифий ҳаракатнинг сустлиги ҳақида, носоғлом эътиқод ҳақида гап борди. Намангандаги бир қишлоқда 13 та масжид очилган, мактаб эса 1 та. Унинг кутубхонасида янги адабиётлар кўпми? Дарсдан кейин тўгараклар ишлайдими? Ўқувчилар мактабдан бўш пайтларида нима иш билан шуғулланадилар? Нега уларни масжидлардаги носоғлом муҳит ўзига ром қилиб олди? Президент айрим мактаблардаги маърифатсизликни танқид остига олди. Шу билан бирга зукко ёшларимиз ҳам борлигини, «Акс-садо» кўрсатувида лицей ўқувчисининг фикрларидан қувонганини ва бундай болаларнинг ҳар бир мактабда бўлишини, уларга ҳавас қилишини гапирди. Унинг шу жараёнда айтган фикри эшитганларнинг ёдида қолди: «ЭНГ КАТТА КУЧ — СОҒЛОМ ЭЪТИҚОД, БАҚУВВАТ ИРОДА, БУТУН ИЙМОН».

Соғлом эътиқодли фарзанднинг аввало кўнгли оқ, ниятлари пок бўлади. У Ватанини саждагоҳ каби муқаддас деб билади, уни ёмон ниятли кишилардан асрайди, беҳуда қон тўкилишини хоҳламайди. Ўқийди, изланади, кашфиётлар қилади, ҳунар ўрганади, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаради ва бу ҳаракатлари билан халқига наф беради, Ватанини дунёга танитади. Бундай инсонларни эса ота-оналарнинг ёрдами билан жонқуяр зиёли МУАЛЛИМ тарбиялайди. Ниятларимиз амалга ошсин, азизлар!

Х. САИДОВ

Qutlug' ostona

ПРЕЗИДЕНТ НАЗАРИГА ТУШГАН ЎҚУВЧИ

Бола таълим-тарбияси мукаммал шахсни шакллантиради, унда ватанпарварлик ва инсонпарварлик хусусиятларини мужассам этади. Бу мураккаб жараёнда муҳит ҳал қилувчи омилдир. Зеро, соғлом муҳитгина ҳам оилага, ҳам жамиятга фойдали маҳсул бера олади. Яъни шахс ўз ҳуқуқлари қаторида бурчларини ҳам унутмайди. У виждон олдидаги, оила, жамият, миллат, қолаверса Ватан олдидаги масъулиятини чуқур англайди. Бурч нафақат ҳис қилинади, балки элим деб, юртим деб ёниб яшашда намоён бўлади. «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қонунлари эса ўз мазмунига айнан шу ғояни жамлаган. Кўраётган бўлсангиз, телевидениеда «Акс-садо» кўрсатуви мунтазам намойиш этилмоқда. Улардан бирида 5-синф ўқувчисининг ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий жараёнларга ўз муносабатини, фикрини теран ифодалаши телетомошабинларни ҳайратга солди. Президентимиз бу кўрсатувни томоша қилгач, Москвадан қайтишда мухбирларга берган интервьюларида, сессиядаги чиқишида ўқувчиларимиз орасида шундай ватанпарвар авлод пайдо бўлаётганидан ғурурланиб гапирди. Президент назарига тушган бу бола пойтахтнинг Юнусобод тумани 105-мактаб ўқувчиси Мақсадбек Бобохонов эди. Эндигина 12 ёшга қадам қўяётган теран фикрли бола қандай шароитда таълим-тарбия олянпти? Оиласидаги, мактабидаги муҳит қанақа? Бу каби саволларга жавоб излаш мақсадида уни ўрганишга жазм этдик.

ОИЛА МУҲИТИ. Мақсадбек 1986 йил 5 ноябрда Бобохоновлар хонадонида дунёга келган. Отаси Гулимбой Бобохонов врач-педагог. Онаси Дилбар Холмуротова ҳисобчи. Мақсадбекнинг яна учта синглиси бор. Дарсларни қунт билан бажариш, уй ишларида ёрдам бериш унинг оиладаги асосий вазифаси. У оиладаги катталар билан мамлакатимиз ва дунё воқеалари тўғрисида кўп суҳбатлашади. Нарса ва ҳодисаларга ўз муносабатини, фикрини равон ифодалайди. Ота-онаси ҳам уни қунт билан эшитишади. Боладан вақтларини аямайди. Мақсадбек учун энг катта совға — китоб.

Онаси билан суҳбатлашганимизда болаларига катта эътибор беришини билдик. У тарбияни чин маънодаги масъулият деб қарайди. Мақсадбекнинг отаси хизмат сафарида экан, суҳбатлаша олмадик. Балки у тарбиядаги ўз қарашларини айтиб берармиди. Дилбар опанинг айтишича, Гулимбой ака ҳам бу ишга жиддий муносабатда бўлади. Баъзан ота билан ўғил соатлаб дарс қилади...

МАКТАБ МУҲИТИ. Мақсадбек бошланғич таълимни Юнусобод туманидаги 98-мактабда олган. Зукколиги, қизиқувчанлиги туфайли, 1,4-синфлардаёқ ўқитувчилар эътиборини тортган. Синф раҳбарлари унинг оиласи билан доимий мулоқотда бўлиб турган. 1997-98 ўқув йили учун 105-мактабнинг ҳуқуқшуносликка ихтисослашган 5-синфларига матбуотда танлов эълон қилингач, Мақсадбек ҳам келиб қатнашди. 2 босқичли танловдан муваффақиятли ўтиб, 5-«А» синфга қабул қилинди. Унга синфдаги муҳитнинг таъсири, айниқса, катта. Т. Ҳўжаев, Г.Бозорова, А. Зиёев, С. Йўлдошев, У. Солибоева, Б. Алимбоев каби жажжи қалблари Ватан, Эрк, Ҳақиқат туйғуларига тўла синфдошлари ўртасида кучли рақобат мавжуд. Уларни биринчи бўлиш иштиёқи бир дақиқа ҳам тинч қўймайди. Синф билан суҳбатлашган одам ўзи учун ибратли томонларини кашф қилиши аниқ.

—Ҳар бир ўқувчи ўқитувчиларнинг диққат марказида. Ҳар бири алоҳида олам, — дейди мактаб директори Мавлуда опа Ғафурова.

(Давоми 2-бетда)

Tadbir

ЯНГИ ДАСТУРЛАР ЯРАТИШГА КИРИШИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун талабларини ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш ва таълимни юксак илмий-методик савияда ташкил этишни таъминлаш, мазмунини янгилаш ва ривожлантириш мақсадида Халқ таълими вазирлигида қатор амалий ишлар амалга ошириляпти. Ўқув режасининг вариантли лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилмоқда. Энди янги ўқув режаси учун янги дастурлар керак бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Янги дастурлар яратиш ҳақида»ги буйруғига кўра республика Таълим маркази Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ билан биргаликда қисқа муддатларда барча фанлар бўйича умумий ўрта таълим (1-9-синфлар) учун янги талаблар асосида ўқув дастурлари ишлаб чиқишлари лозим. Шу муносабат билан 6 май куни РТМ мажлислар залида муаллифлар гуруҳининг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика Таълим марказининг биринчи муовини, физика-математика фанлари номзоди, доцент Назиркул Турдиев сўзга чиқиб, янги дастур муаллифлари билан шартнома тузиш, шартнома тузилган муаллифларга асосий иш жойларидан ижодий таътил беришни ташкил этиш, тайёрланган ўқув дастурларини илмий-методик кенгаш кўриб чиқиш каби масалалар тўғрисида гапирди.

Муаллифлар эса тавсия этилган барча дастурларни тўплам қилиш ва уни чоп этишни РТМ зиммасига юклаш, муаллифларни моддий рағбатлантириш, дастур тузиш чоғида илғор ўқитувчиларнинг таклифларини инобатга олиш сингари мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилиш сўнггида муаллифларнинг бошланган ишни янада жонлантириш борасидаги фикрлари умумлаштирилди, шунингдек, муаллифлар гуруҳининг келажакдаги вазифалари белгилаб олинди.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ

• 1941—1945 йиллардаги иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галаба куни байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони чиқди.

• Олий Мажлис XI сессияси якунлари ва Президентимиз Ислом Каримов нутқида баён этилган хулоса ҳамда кўрсатмалардан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтган йиғилишда маънавият ва маърифат, илм-фан, адабиёт, санъат, маданият арбоблари олдида турган ёшларни юксак маънавий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

JUMLADA JAHON

• Тожикистондаги тинчлик жараёни муқаррар, ҳозир уни ҳеч ким тўхтатиб қололмайди, деди Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов халқаро валюта жамғармаси вакили Жон Олдинг Сми билан бўлган учрашувда.

• Эстонияга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Фредерик Смит НАТОни кенгайтиришга доир ҳар қандай таклиф сиёсий чайқовчиликдир, унинг эшиги бошқалар учун ҳам очиқдир, дея таъкидлади.

• Лондонда бўлиб ўтган Афғонистонга ёрдам кўрсатувчи давлатлар вакиллари. — Буюк Британия, Франция, Италия, Германия ва Европанинг бошқа давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия, Япония ҳамда Россия вакиллари иштирокидаги анжуманда Афғонистон ҳудудида БМТ вакилларининг иш олиб бориши учун мамлакатда тинчлик сақлаш тўғрисида «Толибон» ҳаракати номига баёнот қабул қилинди.

Yangilik

БАҲОЛАШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИГА ЎТИЛАДИ

Сирасини айтганда, иккала муҳим ҳужжат қабул қилиниши биланоқ таълим тизимида жиддий ўзгаришлар бўлаётир. Янгилик ва ўзгаришлар баҳолаш тизимини ҳам янгилашни тақозо қилмоқда. Негаки, илгариги баҳолаш «2», «3», «4» ва «5» билан чекланиб қолди. Энди ўғил қизларнинг билим ва малакасини, ақлий камолот ва тарбиялганлик даражасини эскича баҳолаб бўлмайди. Тўғри, Сурхондарё, Андижон вилоятларида ва Тошкент шаҳрида ўқувчилар билимларини кўп балли — рейтинг асосида баҳолаш тажрибалари бор. Бироқ уларда ҳар хиллик мавжуд. Масалан, ўқувчи 21 та фан бўйича қанча максимал балл тўплаши керак, десангиз муаллимлар ҳар хил сонни айтишади. Кўни кеча республика Таълим марказида ўтказилган йиғилишда ҳам ана шу каби масалалар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Фикрлар алмашиш жараёнида таъкидланганидек, ўқувчилар билимларини рейтинг тизими орқали баҳолашда таълим олувчиларга қўлланиладиган ўқув ишларининг барча кўринишлари баҳоланади. Чорак, ярим йиллик, йилликларда олинган балларнинг умумий миқдори ҳар бир ўқувчининг эгаллаган ютуқларини таққослашга имконият яратади. Рейтинг натижаси ўқувчиларни билим даражаларига қараб ажратишга ёрдам беради, бунда ҳар бир ўқувчи ўз рейтингини била олади...

Йиғилишда Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Рейтинг тизимини такомиллаштириш ҳақида»ги буйруғи асосида тузилган ягона рейтинг тизимини яратиш бўйича Муваққат илмий тадқиқот гуруҳи вазифалари ҳам белгилаб олинди. Хуллас, ягона рейтинг тизимини 1998-99 ўқув йилидан бошлаб педагогик амалиётга татбиқ этиш мўлжалланмоқда.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

MMM

ХАБАРЛАРИ

OILA YILIGA BAG'ISHLANDI

Akmal Ikromov nomidagi Kattaqo'rg'on pedagogika bilim yurtida drama studiyasi tashkil bo'lgan. Yaqinda oila yiliga bag'ishlab M. Shamxalovning «Qaynona» asari sahnalashtirildi. Bu 3 ko'rinishli, kulgili hangomada 1-bosqich talabasi Gulnoza Shodieva, Ofat rolini ijro etgan Hafiza Ergashyevalar tomoshabinlar olqishlariga sazovor bo'ldilar.

M. HAQBERDIYEV

SAVOB

Toshkent Davlat Universiteti qoshida tashkil etilgan gimnaziya o'quvchilari fanlarni chuqur o'zlashtirish barobarida turli jamoat ishlarida va tadbirlarda ham faollik ko'rsatishayapti. Anchadan buyon o'quvchilar poytaxtimizning S. Rahimov tumanida joylashgan qariyalar pansionatida tez-tez bo'lishib, qariyalar ahvolidan xabar olishni va ularning tabarruk duosini olishni odat qilishgan.

D. KARIMOV

«SEHRLI USTOZ-98»

Samarqandda viloyat o'quvchi yoshlar texnika ijodiyoti markazida maktab to'garak rahbarlarining ko'rik-tanlovi bo'ldi. Tayloq tumanidan «Zardo'zlik» to'garagi rahbari Ozoda Jo'raboyeva viloyat «Sehrli ustoz-98» tanlovi g'olibi bo'ldi.

T. SHEROV

KECHALAR DEBOCHASI

Qoraqalpog'iston Respublikasi To'rtko'l tumanidagi 54-litseyda «Alpomish avlodlari» nomli kecha bo'lib o'tdi.

Sodiqjon baxshi «Alpomish» dostonini ta'sirli qilib ijro etganda butun voqeliklar ko'z oldimizdan o'tdi. Kechadagi «Kim kuchli» bahsi bugungi alpomishlarning chinakam bellashuviga aylandi. Kecha dostonning 1000 yilligiga bag'ishlangan tadbirlar debochasi bo'ldi.

M. ESHIMOVA

MMM

ХАБАРЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ НАЗАРИГА ТУШГАН ЎҚУВЧИ

(Боши 1-бетда)

Мактабда ўқитувчилар ва ўқувчилар, ота-оналар ўртасида замонавий, ноанъанавий, соғлом муҳит яратган Мавлуда опа ҳам баъзи ишлар ҳақида гапириб бердилар. Ўқувчилардаги, хусусан Мақсадбекдаги ишонч, умид ва ҳаракатни тўлқинланиб изоҳлади. Мактабда ўқитувчи билан ўқувчининг узлуксиз мулоқотда бўлишларини, ўқувчиларда мустақил фикрлаш ва уни ҳимоя эта билиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида турли мавзулар бўйича синфлараро мусобақалар тез-тез ўтказилиб туради. Мақсадбек ўқийдиган синф раҳбари Мавлуда Абилова ҳам суҳбат давомида бир муҳим нарсани гапириб ўтди. Ўқитувчилар бу синфларга атрофлича ва жиддий тайёргарлик билан дарсга киришар экан. Дарсликдан ташқари манбалар, газета ва журналларни мунтазам ўқиб бормайдиган ўқитувчи уларнинг берадиган саволларига жавоб топа олмайди. Масалан, Дилфуза Ғаниева олиб борадиган адабиёт дарси кундалик газеталарда чоп этилган мақолаларнинг тўрт-беш дақиқалик таҳлили билан, уларга муносабат билдириш билан бошланади. Бу боладаги нутқни ривожлантириш билан бирга дунёқарашни кенгайтиради. Кўпинча ўқувчиларга ёзма равишда бериладиган саволлар ҳар бир болани мактаб кутубхонаси билан боғлайди. Ўқувчи ўзига берилган саволга жавоб ёзиш учун кутубхонага кириб битта, баъзида иккита китобни мутолаа қилиши керак бўлади.

ЖАМИЯТ МУҲИТИ. Болаларимиз онгида, руҳиятида, қоларверса ҳиссиётидаги бугунги ижобий ўзгаришлар жамиятимизда шаклланаётган соғлом муҳит таъсири эмасми? Истиқлол йиллларида ўзликни англаш, қадриятларга таяниш, миллий маданиятни сақлаш ва умуминсоний меъёрларга амал қилиш бош мақсадимиз бўлди. Жойларда ҳар бир соҳада, жумладан халқ таълимида ислоҳотларга киришилди. Тўғри ташкил қилинаётган таълим-тарбия ишлари ўзининг илк ғунчаларини намоён эта бошлади. Бажарилиши долзарб масалаларда ҳуқуқий асослар яратилди. «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» қонунлари бунга асос бўлади. Келажак авлод ана шундай ҳаётий жараёнлар туфайли томирида Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур ва Мирзо Улуғбеклар қони жўш ураётганини болаликданоқ сезишяпти.

Мақсадбекнинг ўзи билан суҳбатлашганимда, тарбия деб аталмиш маънавий озуқа қудратини тўлалигича ҳис қилдим. Бола тарбиясида масъулият ва эътибор бўлса унинг янги-янги имкон қирраларини очиш мумкин экан.

Эндигина 5-синфда ўқиётган бола қалбини ишғол қилган муқаддас туйғулар мустаҳкам эътиқод гарови эмасми! Ҳурматли юртбошимиз таъбири билан айтганда бола соф онг, покиза қалб билан чин юракдан гапиради. Демак, боланинг гаплари ҳақ ва тўғри бўлишлиги унинг эътиқодига ҳам боғлиқ. Мақсадбек ва у сингари фарзандларимиздаги бундай эътиқод Ватан равнақи, миллат истиқболи, жамият ривожига хизмат қилсин.

Фахриддин КАРИМОВ,
«Маърифат» мухбири

Суратда: М. Бобохонов (чапдан учинчи) ўз тенгқурлари билан.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Россия Президенти Борис Ельцин «Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 53 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чекди. Президент ветеранларни ва бутун Россия аҳолисини байрам билан табриклади.

***

Бугун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Россияга қилган давлат ташрифи ўз ниҳоясига етди. Бугунги куннинг энг асосий воқеаси меҳмонларнинг россиялик ишбилармонлар билан учрашуви бўлди.

Москва, «Маяк» рус эшиттириши

***

Индонезия ҳарбий кучлари раҳбари генерал Веранто намойиш ўтказаётган талабаларга мурожаат қилиб, намойишларни тугатишга чақирган. Генерал Верантонинг айтишича, ҳарбий кучлар яқин орада ислоҳотлар борасида ўз таклифларини илгари суради.

***

Италияда қутқарувчи гуруҳлар жанубий шаҳар — Неапол атрофидаги шаҳарча ва қишлоқлардаги кўчки натижасида қурилган талофотларга қарши курашмоқдалар. Шу вақтгача 46 жасад қазиб олинган. Бир неча киши бедарак йўқолган. Вертолётлар томларда жон сақлаётганларни қутқариш билан овора. Маҳаллий сиёсатчилар шунчалик кўп талофотларга йўл қўйганликлари ҳақидаги баҳслар давом этмоқда.

Лондон, «ВВС» ўзбек хизмати

Seminar-kengash

РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

Фарғона вилоятида яқинда бўлиб ўтган республика миқёсидаги семинар-кенгаш ҳам амалий, ҳам назарий тарзда бўлиб ўтди. Яъни иштирокчилар вилоятдаги ўқув муассасаларида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Дастлаб меҳмонлар Марғилон шаҳридаги «Истиқбол» гимназиясида (раҳбари М. Сайидумиров) бўлишди. Айниқса, ўқитувчиларнинг ўз фанини чуқурроқ билишлари учун бу ерда муаллимларнинг ойлик рейтинг мусобақаси ташкил қилингани кўпчиликни қизиқтириб қолди. Чунки айнан шу рейтингда юқори балл тўплаган муаллимларга 45 фоизгача қўшимча ҳақ тўланаркан. Бу эса яхши натижага эришмаган муаллимларни ўз фанини янада чуқурроқ билишга мажбур этади. Демак гимназияда ўзига хос ижобий мухит — муаллимлар мусобақаси ташкил бўлади. Шу сабабли семинар-кенгаш қатнашчилари ушбу билим даргоҳи раҳбарининг фаолиятидан бошқалар ҳам ўрнак олса арзийди, дея эътироф этишди.

8-мактабдаги маънавият хонасига кириб, маънавият ва маърифат ҳақида турли кўргазмалар, китоблар ва матбуот нашрлари тахлами воситасида кенг маълумотга эга бўлишингиз мумкин. Деворий кўргазмаларни ёритишда республикамизда чиқарилаётган барча педагогик нашрлар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

«Ширин» болалар боғчасида ўғил-қизлар Амир Темур, Беруний, Чўлпон каби юртдошларимизнинг рамзларини бадиий чиқишлар орқали гавдалантирдилар. Айниқса, ушбу боғча моддий базаси бақувватлилиги билан вилоятда юқори ўринда турар экан. Айтишларича, ота-оналар ва «Ёшлик» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси боғчага бегараз ёрдам кўрсатиб тураркан. Умуман олганда боғчани маънавият ва маърифат тарғиботи йўналишидаги муассаса деб айтиш мумкин. Чунки бу ерда миллий қадриятларимиз акс этмаган бирорта хона йўқ.

25-касб-ҳунар мактабида маънавиятнинг амалий жиҳатларига эътибор берилган. Ушбу касб-ҳунар мактаби ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш эвазига 100 минг сўм пул ишлаган. Шаҳардаги миллий ҳунармандчилик лицейида болаларга унутилиб кетаётган 14 хил ҳунар сирлари ўргатилади. Улар зардўзлик, косибчилик, тўқувчилик, каштачилик кабилардан иборат. Меҳмонлар, айниқса, талаба қизларнинг катта-катта дасттоҳлар ёнида миллий хонатласимизни тўқишларини кўриб уларнинг шаънига таҳсинлар айтишди. Мана шу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар эвазига лицей жамоаси ойига ўрта ҳисобда 150-200 минг сўм даромад топаяпти.

Фарғона шаҳридаги 1-мактабда маънавият хонаси рамзий тарзда ташкил этилган. Мактаб яқинда ўзининг 80 йиллик тўйини ўтказди. У 1917 йили академик Қори Ниёзий ташаббуси билан ташкил этилган. Ушбу улуғ масканда дастлабки қалдирғоч ўқитувчилардан Ойша Ўразаева, Ҳамза Ҳакимзода болаларга сабоқ беришган. Халқ артистлари — Мукаррама Тургунбоева, Саодат Қобулова, халқ ёзувчиси Асқад Мухтор каби улуғ сиймолар ҳам мазкур зиё масканидан катта ҳаётга қадам қўйишган.

Умуман, семинарнинг амалий қисми Фарғона шаҳридаги 1-сонли гимназияда якунланди. Ва худди шу масканда унинг назарий қисми бошланди. Дастлаб вилоят ҳокиминнинг муовини Ф. Азимов йиғилганларни қизғин табриклади. Сўнгра сўзга чиққанлар вилоятдаги маънавий-маърифий ишлар, уларни амалга оширишда раҳбарларнинг ўрни ҳақида тўхталиб, бу ерда кўриб ўрганса арзийдиган кўп нарсаларни таъкидлаб ўтишди. ТДПУ «Маънавият ва маърифат» бўйича ректор ўринбосари А. Қиргизбоев, республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг бўлим бошлиғи, шоира Т. Содиқовалар ҳам ўз маърузаларида раҳбар маънавияти, аёл раҳбарларнинг маънавияти каби масалаларга тўхталиб ўтишди.

Семинар иштирокчиси, Андижондаги 37-мактабнинг кутубхона мудираси Х. Содиқованинг «Кутубхона ва маънавий-тарбиявий ишларга раҳбарлик қилиш» мавзусидаги маърузаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Чунки маърузачи мактаб кутубхона фондини бойитишдаги ўз тажрибаларини ўртоқлашди. Мисол учун «ҳар йили мактаб битирувчилари 50 тадан китоб совға қилишади. Буни биз анъанага айлантириб олганмиз», — деди у.

Сўзга чиққан бошқа иштирокчилар ҳам раҳбар маънавияти ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди. Семинардан сўнг биз андижонлик ва наманганлик меҳмонлар билан суҳбатлашдик.

Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси маънавият ва маърифат ишлари бўлими бош мутахассиси А. Воҳидов:

— Биз бугун билмаганимизни билдик. Асосийси эса хатоларимизни, камчиликларимизни англадик. Фарғона вилоятида таълим бўйича ўрнак олса арзийдиган ишлар кўп экан. Мисол учун «Ширин» боғчаси, «Истиқбол» гимназиясидаги муваффақиятлар мақтарлидир. Шу билан бирга, «мен айнан ушбу семинар бизнинг вилоятда бўлганда нимамиз билан фахрланса бўларди», дея ўзимга савол бердим. Вилоятимизда, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»ни ўрганиш бўйича очиқ институт ташкил қилганмиз. Унда ота-оналар ҳам иштирок этишади. Фарғонада эса бу нарсани кўрмадим.

А. ҲАЙДАРОВ,
Х. АБДУРАҲМОНОВ,
«Маърифат» мухбирлари

DTM tahlili

КЎЗГУДА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда кўп вариантли тест тизимининг қўлланиши турли минтақалардаги таълим аҳволини таҳлил этиш, фанларнинг бўлимлари ва қисмлари бўйича дарс самарадорлигини баҳолаш, педагогларнинг малакасини аниқлаш учун имкониятлар яратди. 1997 йилдаги тест натижаларининг таҳлили бўйича вилоят, туман ҳокимликлари, халқ таълими ходимлари, педагогик жамоатчилик билан семинар-кенгашлар ўтказилди. Бундан ташқари халқ таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим вазирликларининг кенгайтирилган ҳайъат мажлисларида муҳокама қилинди.

Газетамизнинг бугунги саҳифасида 1997 йил Жиззах вилоятидан олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун тестларда қатнашган абитуриетларнинг тест натижаларининг таҳлили, тартибга солинган статистик маълумотлари жадваллар асосида берилди.

Жиззах вилоятининг республика бўйича умумлаштирилган жавоблар самарадорлиги ва республикадаги ўрнини қўйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Фанлар	жавоблар самарадорлиги %*	Республикадаги ўрни	Республика бўйича жавоблар самарадорлиги %
Ўзбек тили ва адабиёти	41,72	10	43,41
Тарих	52,28	4	49,75
Математика	36,26	12	40,87
Физика	25,87	12	29,26
Биология	50,39	10	53,39
Химия	37,04	11	40,73
География	39,42	14	43,47
Инглиз тили	38,66	9	40,63
Немис тили	28,13	5	27,94
Француз тили	26,59	12	31,08

Вилоят, шаҳар ва туманлардан тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги кўрсаткичларига назар солсак, Мирзачўл, Зафаробод, Жиззах, Зарбдор туманларидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг барча фанлардан жавоблар самарадорликлари вилоятнинг ўрта кўрсаткичларидан пастлигини;

Бахмал, Ғаллаорол, Зомин ва Фориш туманларида эса жавоблар самарадорлиги нисбатан юқори эканлигини кўриш мумкин.

Тест натижаларининг таҳлилидан фан ўқитувчилари, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари, услубиёт хоналарининг мутахассислари йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг нимада эканлигини аниқлашлари ва бутун педагогик фаолиятларини шу камчиликларни бартараф этишга қаратишлари, тест топшириқларини бажаришда фанларнинг мавжуд бўлимларига хос масалалари бўйича таққослаш, таҳлил этиш ва натижада чуқур мазмунли хулосалар қилиш, мантиқий фикрлаш, ўқув кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш масалаларига эътиборни кучайтиришлари лозим.

*** Ушбу кўрсатгичлар қуйида жадвал шаклида берилган.**

Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	1153	39.5	547	40.2	102	37.2	504	39.2
2	Ғаллаорол тумани	1385	44.2	610	44.3	115	43.4	660	44.2
3	Зомин тумани	718	42.4	288	43.3	70	44.3	360	41.4
4	Дўстлик тумани	328	40.0	129	42.2	37	42.0	162	37.8
5	Мирзачўл тумани	96	37.6	24	41.1	8	34.4	64	36.7
6	Пахтакор тумани	373	40.3	165	38.5	34	51.6	174	39.8
7	Баҳмал тумани	655	45.0	349	45.2	72	44.1	234	45.0
8	Зарбдор тумани	360	39.9	156	38.3	27	42.7	177	40.8
9	Фориш тумани	494	41.0	242	41.6	25	43.6	227	40.0
10	Арнасой тумани	208	40.5	74	37.0	22	38.0	112	43.3
11	Зафаробод тумани	262	39.5	116	38.1	29	47.1	117	39.1
12	Жиззах шаҳри	965	39.7	482	40.6	169	37.7	314	39.5
	Жами	6997	41.5	3182	41.7	710	41.5	3105	41.2

Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	558	29.8	287	33.9	88	30.0	183	23.5
2	Ғаллаорол тумани	709	34.2	330	38.7	90	38.0	289	27.9
3	Зомин тумани	331	34.3	155	41.6	52	35.2	124	24.9
4	Дўстлик тумани	157	31.1	71	36.3	26	28.3	60	26.1
5	Мирзачўл тумани	33	26.3	6	27.3	6	36.1	21	23.1
6	Пахтакор тумани	179	30.8	81	31.6	23	37.3	75	27.9
7	Баҳмал тумани	292	33.7	136	35.5	53	34.0	103	31.1
8	Зарбдор тумани	183	32.6	93	36.6	20	32.5	70	27.3
9	Фориш тумани	246	30.2	127	34.2	16	29.5	103	25.4
10	Арнасой тумани	100	30.3	38	29.8	17	38.4	45	27.8
11	Зафаробод тумани	133	29.8	58	33.2	21	33.5	54	24.7
12	Жиззах шаҳри	542	34.6	282	38.4	151	33.5	109	26.1
	Жами	3463	32.5	1664	36.5	563	33.8	1236	26.5

Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	93	31.8	83	31.9	7	31.0	3	31.5
2	Ғаллаорол тумани	112	36.7	102	37.9	7	25.8	3	22.2
3	Зомин тумани	43	37.3	36	38.7	2	33.3	5	28.3
4	Дўстлик тумани	31	32.9	22	36.5	3	25.0	6	23.6
5	Мирзачўл тумани	7	36.1	7	36.1				
6	Пахтакор тумани	34	30.1	31	30.4	3	27.8		
7	Баҳмал тумани	87	44.5	79	45.9	6	28.7	2	37.5
8	Зарбдор тумани	20	32.8	20	32.8				
9	Фориш тумани	58	42.4	50	44.2	6	34.3	2	22.2
10	Арнасой тумани	23	30.0	18	27.0	5	40.6		
11	Зафаробод тумани	18	31.9	16	33.9	2	16.7		
12	Жиззах шаҳри	76	33.7	59	33.2	12	29.6	5	48.3
	Жами	602	36.2	523	37.1	53	30.0	26	31.0

Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	217	24.8	175	24.9	42	24.8		
2	Ғаллаорол тумани	216	27.8	184	28.1	32	26.0		
3	Зомин тумани	88	25.4	71	25.3	17	26.0		
4	Дўстлик тумани	36	26.9	29	27.1	7	26.2		
5	Мирзачўл тумани	4	25.0	2	31.9	2	18.1		
6	Пахтакор тумани	50	26.4	43	26.4	7	26.2		
7	Баҳмал тумани	79	26.5	58	24.9	21	31.0		
8	Зарбдор тумани	59	26.9	53	26.6	6	29.2		
9	Фориш тумани	75	27.0	69	27.5	6	21.8		
10	Арнасой тумани	28	22.9	24	21.2	4	33.3		
11	Зафаробод тумани	43	24.1	39	23.7	4	27.8		
12	Жиззах шаҳри	188	24.8	125	25.7	63	23.2		
	Жами	1083	25.9	872	26.0	211	25.5	0	0.0

Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	218	50.4	180	52.2	18	49.5	20	35.1
2	Ғаллаорол тумани	293	55.2	222	55.1	30	56.8	41	54.4
3	Зомин тумани	185	49.4	113	49.9	25	50.8	47	47.3
4	Дўстлик тумани	81	47.2	47	54.6	21	38.4	13	34.8
5	Мирзачўл тумани	26	42.1	11	42.9	4	33.3	11	44.4
6	Пахтакор тумани	85	46.2	58	43.9	11	60.4	16	45.1
7	Баҳмал тумани	197	52.2	133	54.4	32	43.1	32	51.9
8	Зарбдор тумани	77	44.3	42	48.3	12	47.5	23	35.4
9	Фориш тумани	108	44.2	76	46.3	5	46.1	27	37.9
10	Арнасой тумани	36	47.8	23	48.3	3	53.7	10	45.0
11	Зафаробод тумани	69	48.4	43	50.9	16	51.7	10	32.5
12	Жиззах шаҳри	227	51.2	154	55.1	26	48.0	47	40.1
	Жами	1602	50.1	1102	52.1	203	48.7	297	43.7

Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	106	38.5	87	39.0	19	36.3		
2	Ғаллаорол тумани	152	39.0	122	39.6	30	36.4		
3	Зомин тумани	164	34.7	127	35.1	37	33.6		
4	Дўстлик тумани	39	36.4	31	39.2	8	25.7		
5	Мирзачўл тумани	13	40.8	10	46.1	3	23.1		
6	Пахтакор тумани	46	31.6	35	31.5	11	32.1		
7	Баҳмал тумани	74	33.3	64	35.0	10	22.5		
8	Зарбдор тумани	48	31.4	38	32.7	10	26.4		
9	Фориш тумани	35	27.2	32	27.5	3	24.1		
10	Арнасой тумани	23	40.0	18	39.7	5	41.1		
11	Зафаробод тумани	36	27.8	26	27.5	10	28.6		
12	Жиззах шаҳри	198	46.3	147	49.1	51	38.0		
	Жами	934	37.6	737	38.6	197	33.7	0	0.0

География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	14	37.3	14	37.3				
2	Ғаллаорол тумани	17	37.4	15	37.4	2	37.5		
3	Зомин тумани	7	39.7	7	39.7				
4	Дўстлик тумани	6	34.7	6	34.7				
5	Пахтакор тумани	2	43.1	2	43.1				
6	Баҳмал тумани	15	42.2	15	42.2				
7	Зарбдор тумани	7	44.4	7	44.4				
8	Фориш тумани	9	38.9	9	38.9				
9	Зафаробод тумани	4	58.3	4	58.3				
10	Жиззах шаҳри	8	37.5	8	37.5				
	Жами	89	40.0	87	40.0	2	37.5	0	0.0

Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	22	23.2	20	23.6	2	19.4		
2	Ғаллаорол тумани	24	26.3	24	26.3				
3	Зомин тумани	12	27.3	12	27.3				
4	Дўстлик тумани	9	21.3	7	23.4	2	13.9		
5	Пахтакор тумани	29	24.8	29	24.8				
6	Баҳмал тумани	43	27.1	35	28.1	8	22.6		
7	Зарбдор тумани	7	34.9	7	34.9				
8	Фориш тумани	20	29.2	15	29.8	5	27.2		
9	Арнасой тумани	13	24.1	9	26.2	4	19.4		
10	Зафаробод тумани	18	28.4	16	27.6	2	34.7		
11	Жиззах шаҳри	17	23.4	12	22.9	5	24.4		
	Жами	214	26.1	186	26.6	28	23.3	0	0.0

Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	400	45.7	101	48.9	3	51.9	296	44.5
2	Ғаллаорол тумани	431	50.1	99	50.6	5	36.7	327	50.1
3	Зомин тумани	223	45.9	38	56.4	2	47.2	183	43.7
4	Дўстлик тумани	106	43.4	19	53.7	3	50.9	84	40.8
5	Мирзачўл тумани	39	45.2	8	50.0			31	44.0
6	Пахтакор тумани	114	47.8	28	47.2	3	49.1	83	48.0
7	Баҳмал тумани	198	51.4	96	54.3	5	42.8	97	49.0
8	Зарбдор тумани	110	41.8	26	45.9			84	40.5
9	Фориш тумани	153	47.8	53	54.5	6	47.2	94	44.1
10	Арнасой тумани	76	46.2	17	45.8	2	52.8	57	46.1
11	Зафаробод тумани	71	42.3	19	45.5			52	41.1
12	Жиззах шаҳри	214	45.8	59	48.6	2	43.1	153	44.8
	Жами	2135	47.0	563	50.9	31	45.9	1541	45.6

Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Жиззах тумани	122	26.5	99	26.9	23	24.6		
2	Ғаллаорол тумани	136	29.1	106	29.0	30	29.4		
3	Зомин тумани	9	22.8	6	25.0	3	18.5		
4	Дўстлик тумани	23	29.2	19	29.5	4	27.8		
5	Пахтакор тумани	27	23.9	19	24.6	8	22.2		
6	Баҳмал тумани	58	30.2	50	31.1	8	24.3		
7	Зарбдор тумани	18	24.1	13	27.4	5	15.6		
8	Фориш тумани	40	29.7	37	30.8	3	16.7		
9	Арнасой тумани	4	22.9			4	22.9		
10	Зафаробод тумани	10	22.2	8	23.6	2	16.7		
11	Жиззах шаҳри	106	25.3	81	26.6	25	21.0		
	Жами	553	27.3	438	28.1	115	24.0	0	0.0

Fахriylarimiz

ИНСОН ҚАДРИ

Деҳқонободда ўз тасаввуримдаги ҳақиқий муаллимни учратдим. У кишининг исми шарифлари Алиқул Хушвақтов. Менга у кишидаги болалардагидек соддалик, ута камтаринлик жудажуда ёқди. Иккинчи жаҳон урушида домла ҳам тўлиқ қатнашган, бошидан жанг азобларини утказган, энг даҳшатлиси, бир оёғини Берлин остоналарида қолдириб келган.

Алиқул Хушвақтов тоғли Белибойлида таваллуд топган. Унинг ширин болалик онлари ҳам ана шу тоғу тошлар, паст-баланд қир-адирлар бағрида ўтган...

Етти йиллик мактабни «аъло» баҳоларда тугатган Алиқулни қишлоқ мактабига муаллим қилиб олиб қолишганди. Кўп ўтмай уруш бошланди.

Уруш ҳеч вақт қурбонларсиз бўлмаган. Урушда меҳр-шафқат унутилади. Ёнгинангда қурбон бўлган сафдошинг, дўстингнинг руҳи поки сени душмандан ўч олишга ундайди... Ўзи билан бир сафда туриб жанг қилаётган деҳқонободлик йигитлар — Ражаб Эшимов ва Эргаш Абдуллаевларнинг ўлими Алиқул Хушвақтовга ёмон таъсир қилди. Ушанда у ўзини Деҳқон-ободдан, Белибойлидан ажралиб қолгандек ҳис қилди. Ҳа, у она тупроқ, ўз туғилган қишлоғи учун бутун қишлоқдошлари номидан қўлига қурол тутганча, «онажон!» дея инграб-инграб жон берган барча дўстлари номидан жанг қилди...

Алиқул Хушвақтов уруш давомида 5-6 маротаба жиддий жароҳатланди. Бироқ, сўнгиси ёмон бўлди. 1945 йилнинг эрта баҳори эди. Ушанда Шарқий Германия ҳудудида аёвсиз жанглар борарди. Немис минаси портлади. У Алиқул Хушвақтовнинг чап оёғини тиззасидан юқори қисмидан, юлиб кетди.

Инсон тақдирини оёқ эмас, пок қалб ҳал қиларкан. Қўлтиқтаёқ ҳам, кесилган оёқ ҳам Алиқул Хушвақтовнинг иродасини бука олмади. У бир қўлтиғида китоб-дафтару, яна бир қўлтиғида бир жуфт қўлтиқ таёқ тутиб мактабга йўл олди. Қишлоқ ёшларига илм-маърифат ўргатди, ўз устида мунтазам ишлади, Қарши педагогика билим юртининг бошланғич таълим бўлимини сиртдан бўлса-да, ўқиб тугатди. У роппа-роса ўн бир марта бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиб, юқори синфларга чиқартирди. Алиқул Хушвақтов қўплаб етим болаларнинг бошини силади, уларнинг қўлларини ҳалоллади, уйлантирди ҳам. Бу темир матонатли, фидойи инсон эл ободончилиги йўлида елиб-югурди, йўл қурдирди, мактаблар қурилишида бошқош бўлди, элнинг яхшиёмон кунида таёқларига суянганча тик турди...

— Худога минг қатла шукр, — дейди биз билан бўлган суҳбатда Алиқул Хушвақтов. — Жангу-жадаллардан омон қайтиб, юртимнинг мустақиллик кунларини кўриб турибман. Юртбошимиз айтганларидек, «элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» кунлар келди. Афсус, қариб қолдим... Майли, келажак ёшларники. Биз қарияларга иймон берсин...

Устоз Алиқул домла узоқ йиллар ишлаган, шу даргоҳдан муаллимлик билан хайрлашиб, шогирдларига ўз синфини топширган, қолаверса, ўзлари бош бўлиб янги ўқув биноси қуриб берган Завқий номидаги 66-мактабга ташриф буюрдик ва ўзимизни қизиқтирган масала юзасидан сўраб-суриштирдик. Афсус, 40 йилдан ортиқ муаллимлик қилган устоз, шу мактаб биносини қуриш ишида бошу қош бўлган фидойи инсон, эл оқсоқоли, уруш ногирони Алиқул Хушвақтовнинг ибратли ҳаёт йўлига бағишлан-ган бирор-бир бурчак, ҳеч бўлмаганда деворий стенд, ёхуд бирор варақ ёзилган битик топа олмадик. Рости, мактабдаги муаллимлардан хафсаламиз пир бўлди. Бу қандай гап? Ватанпарварлик борасидаги гап-сўзларимиз қаерда амалга оширилади ўзи? Ватанпарварлик тарбияси бу ерда Белибойли қишлоғининг фидойи инсонларини ўрганишдан, улар билан учрашувлар утказишдан, уларни намуна қилиб олиб борилаётган тарбиявий ишлардан бошланмайдими?

Абдували ОБИДДИНОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Ўз умрининг ўттиз йилини тарих-география фанини ёш авлодга ўргатишга бағишлаган Усмон Исроилов бугун кексалик гаштини сурмоқда. Данагидан мағизи ширин деганларидек, беш фарзандидан кўрган 15 нафар набиралари давраси бобо учун доимо хушвақт бўлади.

Суратда: У. Исроилов қизи Ҳурматой ва набиралари даврасида.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманида жойлашган 5-Бизнес мактабда ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» деб номланган тадбирда ёшларни тўғри касб-ҳунар танлашга, уларни ўз ҳунарлари билан фахрланишга ўргатиш ишлари ҳақида сўз борди. Тадбирда шаҳарнинг турли мактабларидан ўқитувчи-ўқувчилар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари иштирок этдилар. Улар Бизнес мактабининг фаолияти, унинг ишлаб чиқаришдаги аҳамияти ҳақида маълумотлар олдилар.

М. КАРИМОВА

Munosabat

МАҚСАД МУШТАРАК БЎЛСА...

Баъзан ўқитувчи касби ҳозирги даврда ўз қадрини йўқотганлиги ҳақидаги мулоҳазалар қулоққа чалиниб қолади. Бу таҳлит фикрларга қўшилиб бўлмайди. Негаки, дунёнинг қайси бир жойига борманг мактаб бор. Мактаб бор жойда эса албатта ўқитувчи бор. Демак, ўқитувчи абадул абад илм ва маърифат рамзи, тимсоли бўлиб қолади. Дунёда қандай ўзгариш, янгилик бўлмасин уни дастлаб ўқитувчи ёш авлод қалбига сингдиради. Жилла қурса қўлингизда таҳсил олган авлодлар умрларининг охиригача сизни эслаб юришлари учун ўзингизни жон чекиб изланишга, туну кунни бедорликда ўтказишга сафарбар этсангиз арзийди. Шу боис ўқитувчилик бу касбнинг силсиласини тўйган, унинг туб моҳиятини дилдан ҳис этганлар учун ҳамиша қадрли, табаррук касб бўлиб қолади.

Чуст педагогика билим юртида биргаликда елкама-елка изланишлар олиб бораётган ҳамкасбларим қизғин фаолиятини кузатар эканман, қўлимга қалам олиб, саъй-ҳаракатларимиз моҳияти ҳақида ўзимнинг мухтасар фикр-мулоҳазаларимни билдиришни лозим топдим.

Якунланаётган ўқув йили давомида билим юртимизда жуда кўп амалий тадбирлар ўтказилди, услубий ишлар қилинди, ўқитувчи ва талабалар томонидан тайёрланган турли мавзудаги маърузалар муҳокамага қўйилди. Энг муҳими шундаки, ана шу тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш жараёни чинакам ижодкорлик, ҳақиқий изланишлар даври бўлди.

Зотан, биз мана шу ўқув йили давомида юртбошимизнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолотлари» китобини чуқур ўрганиш ҳамда талабаларга ўқитиш борасида талай илмий-амалий ишларни изчил утказиб боришни йўлга қўйдик. Мазкур китобда Президентимиз бугунги куннинг долғали воқеа-ҳодисаларига ўз қарашларини баён этар эканлар, ниҳоятда оқилона ва одилона якуний хулосалар чиқаралилар. Асарнинг энг муҳим фазилатларидан бири шуки, у оддий, лунда, барчамиз учун тушунарли услубда ёзилган. Асарнинг ҳаммабоплигини таъминлаган омиллардан бири ана шунда деб биламан. Биз Президентимизнинг кўп йиллик давлат арбоби ва сиёсатчи сифатидаги фаолияти, изланишларининг маҳсули бўлмиш бу асарни «Узбекистон тарихи» дарсларини ўқитиш жараёнида тўлиқ ва мукаммал татбиқ этиш, уни том маънода дастуриламал қилиб олиш мақсадида бир қатор услубий ишлар қилдик, амалий тадбирлар ўтказдик, маърузалар тайёрладик. Ана шу изланишларимизнинг ҳосиласи уларок, бугунги кунда ушбу китобни билим юртимизнинг барча талабаларига жиддий ўқитиш йўлга қўйилган. Айниқса, «Узбекистон тарихи» дарсини ўтишда «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарини истифода этиш» мавзусида ўтказилган илмий тадбиримиз моҳият эътибори билан кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлди. Ана шу тадбирда билим юртимиз раҳбари Моҳина Ҳотамова «Президентимизнинг мазкур асари юртимиз ва халқимиз тарихи ҳамда истиқболи билан боғлиқ ҳар қандай дарслик мазмунига ўзига хос жиҳатлари билан сингдирилиши, муштарак бўлиши лозим», деди. Бу сўзлар барчамизни ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этиб турган бу асарни мафассал ўрганиб, ҳар бир сабоқда уни талабаларга изчил ўқитиш чора-тадбирлари йўлидаги изланишларга ундади.

Афсуски, сўнгги даврда вилоятимизда, Президентимиз китобда ўринли таъкидлаганидек «ваҳҳобийлик каби ғояларнинг алдамчи жозибаси» ҳуруж қилди ва вилоят ҳаёти, муҳитида жиддий асорат қолдирди. Ҳозир вилоят аҳли бу асоратлар таъсиридан фориғ бўлишнинг мураккаб жараёнини бошдан кечирмоқда. Юртбошимиз китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида таъкидлаганларидек, «Тўғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиш йилларида ажнабий ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишда, исломнинг маънавий-ахлоқий меъёрларига қаттиқ риоя этишни талаб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишни эълон қилишда намоён бўлмоқда». Куриниб турибдики, оламзот табиатига, ислом дини таълимотига зид бу манфур оқимга Президентимиз анча илгари баҳо бериб улгурганди. Нафсиламрини айтганда, биз ҳар биримиз мазкур воқеаларнинг рўй беришида ўзимизни қисман айбдор ҳис қиламиз. Зеро, Наманган воқеалари бизнинг билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка олишимиз, масъулиятни тугал ҳис этмаслигимиз, бурчимизни тўлиқ англай билмаслигимиз оқибатидир. Китобда бундай аянчли воқеа-ҳодисотлар ўзининг мудҳиш оқибатлари билан давлатимиз, жамиятимиз ва халқимиз ҳаёти ва турмуш тарзига мутлақо зиддиги ҳақида фикр юритиб, юртбошимиз қўйидагиларни жиддий қайд этадилар: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий, руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун кураша, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз». Ана шу мулоҳазаларни ҳар биримиз мудом ёдда тутишимиз, унинг амалиётдаги татбиқига жиддий эътибор беришимиз лозим.

Билим юртимиз жамоаси келгусида ҳам юртбошимизнинг бу асарини изчил тадқиқ этиш, ўрганиш жараёнини узлуксиз давом эттиришни жиддий ният қилмоқдалар. Зеро мазкур асар орқали «Одамлар! Огоҳ бўлинг, тинчлик, хавфсизлик барқарор бўлган ҳар бир кунни қадрланг! Юртимизда мудом осойишта ҳаёт, бунёдкорлик руҳи ҳукмрон бўлиши йўлида кучингиз, ҳимматингизни аяманг!», дея бонг урилади, халқимизни тийрак нигоҳ, бедор қалб билан яшашга даъват этилади. Ана шу фазилатлари туфайли ҳам бу асар узоқ йиллар давомида халқимиз йўлини ёритиб турувчи маёқ бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Китобда билим ва маърифатнинг аҳамияти ва моҳияти жуда катта эътибор билан тадқиқ этилади ҳамда юксак баҳо берилади. «Фақат билимли ва маърифатли жамиятгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олиши...» хусусидаги фикрга алоҳида урғу берилади. Биз ҳам билим масканимизнинг ҳар бир ўқувчиси ва ўқитувчисида муқаррар билим ва маърифатга интилиш ҳисси ҳамиша устивор бўлишига, ҳар биримиз жамият ҳаётида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, олга силжишларда, ўзлигимизни намоён этиш йўлида барча куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Матлубахон АЗИЗОВА,
Наманган шаҳридаги Чуст педагогика билим юрти ўқитувчиси

Bir maktab hayotidan

ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРДА ТАРИХ ДАРСЛАРИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган мактабнинг ўз тарихи, амалга оширган талайгина ибратли ишлари бор. Бироқ биз уларнинг айни кун талабига жавоб берадиган айрим жиҳатларига тухталишни лозим топдик. Бу Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 15-ўрта мактабдир. Унга Ғофуржон Ҳусанов директорлик қилмоқда. 65 нафар ўқитувчи 1200 нафар ўғил-қизга таълим-тарбия бермоқда. 6 нафар ўқитувчи олий тоифали, уч нафари Узбекистон ҳалқ таълими аълочиси. Мактаб Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малака ошириш марказий институти билан ҳамкорлик қилмоқда. Хусусан, институт мактаб бошқарувида методик йўл-йўриқлари билан кўмаклашмоқда.

Янги қонун қабул қилингач, унинг тарғиботи, ҳамда ҳаётга татбиқи учун ижодий гуруҳ тузилди. Улар қонунларни нафақат ўқитувчиларга, балки, ота-оналарга ҳам тушунтиришмоқда.

Энг илғор ўқитувчилардан иборат ижодий гуруҳ ҳам иш олиб бормоқда. Ота-оналар университети қайта тикланди.

Дарслар, хусусан тарих фақат синфхоналарда ўтиладими? Йўқ албатта! Айни кунда тарих дарслари илғор ва ташкилотчи ўқитувчилар томонидан тарихий жойларда ва музейларда утказилмоқда. Утган йили соҳибқирон Амир Темур бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳридаги Амир Темур хиёбонида, шунингдек темурийлар музейида қўплаб дарслар утказилди. Бунда нафақат шаҳар, балки вилоятлардаги мактаблар ҳам ташриф буюришди. Биринчилар қаторида биз ҳикоя қилаётган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Саодат Шодиева ўқувчиларни шу даргоҳга олиб келиб, дарс ўтди. Бундай сабоқларнинг ҳар бири, унда айтилган фикрлар ўқувчининг ёдида қолади, таъсири ҳам ўзгача бўлади. Бундай дарсларнинг натижасини кўрган муаллим, мактаб раҳбарлари ва ҳомийлар ёрдамида Самарқанднинг тарихий жойларига саёҳат уюштиришди. Унгача қанчадан қанча дарс китоблар, манбалар ўқилди, рефератлар ёзилди ва тарихий жойларда олинган билимлари яна бир бор мустаҳкамланди.

Энди май ойида иккита автобусда Бухорога бориш режаси тузилмоқда.

ОТАМНИНГ МАШИНАСИНИ ТУЗАТДИМ

Бу мактаб ўқувчиларидан бирининг ўқитувчисига айтган гапи. Мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Комил Шоназаров техникага жуда қизиқади. Унинг бу қизиқиши юқори синф ўқувчиларига ҳам кўчган. Ўқитувчи техникалар, уларнинг ички тузилишлари, бузилишлар сабаблари ҳақида сабоқлар беради, қарангки ўқувчилардан бирининг отаси «машина тузатаман» деб уста қидириб юрганда, ўғли назарий билимларини амалда қўллаб кўрибди. Натижа эса ёмон эмас.

МАКТАБ ВА «АБДУСАТТОР»

«Абдусаттор» ҳиссадорлик жамияти 1992 йилдан буён мактабнинг ҳомийси ҳисобланади. Мактабни таъмирлашга доим ёрдам беради. Утган йили 5 нафар аълочи ўқувчига стипендия таъсис этди, бир муаллимга йил бўйи энг кам ойлик иш ҳақи бериб борди. Наврўзда 16 минг сўм пул ажратди. Олти нафар ўқитувчининг юбилейига қимматбаҳо совға ҳадя этди. Юқорида таъкидлаганимиз, Самарқанд саёҳатига ҳам автобус йўл харажатини кўтарган ҳомий Бухоро сафари учун ҳам ҳотамтойлик қилмоқда. Ҳиссадорлик жамияти раиси Абдуғаффор Абдусатторов ўқитувчи ва ўқувчилардан ташқари ота-оналарга ҳам эътибор кўрсатади. Масалан, март ойида утказилган ота-оналар йиғилишида фарзандини яхши тарбиялаётган ота-оналарга совғалар улашди. Бу «Оила» йилига муносиб тадбир ҳам ҳисобланади. Энг диққатга сазовор жиҳати «Абдусаттор» бу йил мактабнинг икки битирувчисини Низомий номидаги педагогика университетига шартнома асосида ўқишга киритмоқчи. Мактаб ҳам ҳомийга қараб қолгани йўқ. 50 сотих ерида 100 туп мевали дарахт ҳосил беради. Иссиқхонасида бодринг, памидор ва кўкатлар экилади.

Ҳ. ОМОНОВ

ҚУВОНМАЙ БЎЛАДИМИ?

60-йиллар охирларида Мирзо Улуғбек номидаги Фарғона педагогика институти (ҳозирги Фарғона Давлат университети) тил ва адабиёт факультетига катта танлов асосида талабалар қабул қилиш бошланди ва 50 талаба танлаб олинди. Булар жуда иқтидорли, муаллимлик касбига ҳавасманд, айниқса изланувчан, ижодкор йигит-қизлар эди.

Гапнинг қисқаси, ўша паллада институт кўп нусхали, ҳафтада бир марта чиқадиган **«Педагог»** газетасини ташкил этишда камарбаста бўлиб, бош муҳаррирлик қилган камина, таҳририят қошида «Ёш қаламкашлар» тўгарагини ташкил этдим. Тўгаракка 20 та ҳаваскор ижодкор жалб этилди. Булар асосан ўзбек тили ва адабиёти факультетининг, баъзилари биология ва тарих факультетларининг талабаларидан иборат эди. Тўгарак ишини изчил давом эттириб, ўз аъзоларининг ижод намуналари — шеърлари, ҳикоялари ва очеркларини муҳокамадан ўтказиб борди.

Уша вақтда тўгарагимиз аъзоларидан Зуҳра Алиева, Қутлибека Раҳимбоева, Муҳтарама Улуғова, Аъзамжон Орипов, Ҳадича Ҳайдарова, Аъзамжон Бўтаев сингари 1-курс филолог талабалар, Ҳолисхон Олимжонова каби 2-курс биолог ҳамда Турсуной Сулаймонова сингари тарихчи талабалар қаламларига мансуб бўлган шеър ва ҳикоялар, достон ва очерклар кенг муҳокамадан ўтказилиб, **«Педагог»** саҳифаларида мунтазам эълон қилиб борилди.

Айтишим мумкинки, мана шу юқорида номлари зикр этилган педагог-кадрлар эндиликда бир неча шеърий ва насрий китобларнинг муаллифи сифатида республикамизга танилдилар. Бўлар орасида юзлаб шеърлар ҳамда «Онамга алла» сингари рисолалар муаллифи талантли педагог-шоира **Хадича Ҳайдарова** ўзига хос ва мос поэтик овози билан фарқланиб туради.

Унинг шеърларида кўпроқ педагогик мавзу, ишқ-муҳаббат, ҳалол меҳнат, инсоний қадрият, ҳаёт жаннати бўлган аёллар ҳислатларини тараннум этувчи мавзулар бош ўзан бўлиб ҳисобланиб келади. Шу боис ҳам у, ўз китобига «Онамга алла» деб ном қўйганлиги бежиз эмас.

Хадичахон 23 йилдирки, олий ўқув юртлари, мактабларда муаллимлик қилиш билан бирга шеърият бўстонини тарк этмай, унинг мусаффо ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади — мавзу жиҳатдан ранг-баранг, бадиий пишиқ шеърлар яратиб, вилоятлар ва республика нашрларида эълон қилиб келади.

Шогирдинг шоира бўлса, етук муаллим бўлса бундан қувонмай бўладими? Хадича Ҳайдарова ўзининг ёшлар тарбиясига бўлган қайноқ тафтини ҳозир Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 36-мактабда муаллимлик қилиш ҳамда Халқ таълими вазирлиги Республика Ёш улкашунослар ва саёҳатчилар марказида бўлим бошлиги вазифаларида янада намоён этмоқда. Иқтидорли шоиранинг келажак ижодларига ойдин йўл тилаймиз.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори, профессор

ҲУШЁРЛИККА УНДАГАН КЕЧА

Яқинда Тошкент юридик коллежи «Маънавият ва маърифат» бўлими диний ақидапарастликнинг салбий оқибатларига бағишланган анжуман ўтказди. Анжуман республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари»** асари асосида ташкил этилиб, Ислом қадриятларини тиклаш байроғи остида рўй бераётган салбий ҳодисалар, зиддиятлар ва ваҳҳобийлик оқимининг зарарли фаолиятига бағишланди.

Коллеж директори, юридик фанлари номзоди, доцент М.Мирҳамидов жамиятда дин, диний тасаввурлар доимо дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи билан ҳамоҳанглигини, миллий, умуминсоний қадриятларнинг бойишида исломнинг муҳим омил бўлганлигини таъкидлаш билан бир қаторда диндан беқарорлик тўлқинини келтириб чиқараётган, мамлакатимиздаги барқарорликка таҳдид солаётган ислом фундаменталистлари ва ваҳҳобийларнинг фаолияти ҳақида талабаларга тушунча берди.

Анжуманда диний ва дунёвий билимлар эгаси Қосимхўжа қори Муллабоев ислом маънавиятида инсон қадр-қиммати, инсоннинг бебаҳо неъматлиги ҳақида фикр юритди. У киши ҳар бир инсон фақат ҳалол меҳнати, зукколиги, маданияти билан ўз қадрини улуғлаши мумкинлиги, маънавий, руҳий, жисмоний соғлом бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Ислом дегани — саломатлик, соғлом фикр деганидир. Ваҳҳобийларнинг асл мақсади эса диний ақидапарастликни тарғиб қилиш, мусулмонлар ўртасида низо чиқаришдир. Ваҳҳобийлар Қуръони каримдаги рауф, яъни раҳм, меҳрибонлик, меҳр-мурувват нишоналаридан йироқдир.

Мухтасар қилиб айтганда, анжуман талабалар ва ўқитувчиларда яхши таассурот қолдирди ва унинг диний ақидапарастликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этиши муқаррардир.

Обид МУҲАММАДЁРОВ,
Тошкент юридик коллежи доценти

БАХТ НАВОСИ

Уйғонмоқда яна сўлим тонг,
Сарин сабо элитар дилим.
Қуй таралар тонгга ҳамоҳанг,
Қалбим тўлиқ завққа лиммо-лим.

Ҳар тонг кезар бахт, шодлик куйи,
Эрка диллар навосими бу?
Минг-минг дилга оташ улашган
Истиқлолнинг овозими бу?

Атрин тараб тинмагур еллар
Бахт мевасин учади олиб.
Ҳаёт оқар шу ҳур диёрнинг
Юрагимга ишқини солиб.

ТОНГДА

Димоғимда субҳидам бўйи,
Юрагимда туйғу бир олам.

Бу тонгми ё шодлик, бахт куйи? —
Қувончидан энтикар одам.

Ариқларда сув оқар қўйлаб,
Изим тушар далам йўлига.
Менинг бувим ненидир ўйлаб,
Иш олади яна қўлига.

Қўй-қўзилар маърар қайдадир,
Эшитилар дизеллар саси,
Ҳайрат тўла кўзим ёнади,
Қишлоқ ҳусни тортар ҳавасим.

Кўкдан ерга боқаман гўё,
Тонг келишин қилмайди канда.
Мен учун тонг бошланар доим
Мактаб томон йўлим тушганда.

Хадича ҲАЙДАР қизи

YANGI IMLODA

Lotin yozuvi kun sayin hayotimizga singib bormoqda. Zero, bu davr talabi. Hozircha yangi o'zbek yozuvida nashrdan chiqarilayotgan kitoblar va risolalar sanoqli bo'lsa-da, yaqin yillar ichida butun nashriyotlarimiz yangi alifboda o'z mahsulotlarini chiqara boshlaydi. Bora-bora nafaqat maktab darsliklari, balki ilmiy, badiiy kitoblar, ommaviy-axborot vositalari — gazeta-jurnal, radio, televideniye ham ana shu imloga moslashadi.

«Fan» nashriyoti mahsulotlaridan biri «Oybek ijodiyotida Navoiy siymosi» risolasi bor-yo'g'i 500 nusxada bosilgan bo'lsada, lotin yozuvida chiqarilgani bilan e'tiborni tortadi.

Samarqand Davlat universiteti professor-o'qituvchisi Nazar Rajabovning ilmiy izlanishlaridan biri ana shu monografiyaga jamlangan. Ulug' mutafakkirning hayoti kimlarni qiziqtirmadan? Mukammal inson sifatida barchamizning qalbimizdan joy olgan g'azalxon shoirga atab yozilgan asarlar oz emas. Shu o'rinda ustoz Oybekning «Navoiy» romani tarozida tosh bosadi. Muallif ana shu mavzuni tadqiq qiladi va buni yangi imloda sharhlaydi. Risola mundarijasiga ko'z tashlasangiz, shoir siymosiga duch kelgandek bo'lasiz. Ayni paytda bebaho iste'dod sohibi Oybek mahoratining hamma ham ilg'ayvermaydigan jihatlariga tan berasiz.

ЮРТГА САДОҚАТ

Кекса жангчининг пешонасидаги ажинлар фронт йўлларида босиб ўтилган оловли йилларнинг машаққатли кечган ҳар бир куни ва тунини эслатади. Изгиринли ва зимзиё кечаларда, ўрмон ва чакалакзорлар оша қилинган жанглар, минглаб ўзбек ўғлонларининг ўз уйи, фарзандлари, ёру биродарлари осойиши учун курсатган жанг майдонларидаги жасоратлари ҳам ортда қолди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги ўз ҳаётий тажрибаларини ёш авлод билан баҳам кўрмоқдалар. Ана шундай уруш фахрийларидан бири тошкентлик Мирзоҳид Ҳамидовдир.

У кўп қатори Ватан ҳимоясига қунгилли бўлиб отланганида навқирон йигит эди.

Қисқа ҳарбий тайёргарликдан сўнг аскарларимиз жанг майдонлари сари илгарилаб кетдилар. Қаттиқ совуқ, бунинг устига бўрон билан қор ёғарди. Кўз очиш амри маҳол, оқ тулпорлар судраб келаётган пушкалар қорда ғижир-ғижир қилар эди. Бир гал у отларнинг жиловидан ушлаб кетаётганида кутилмаганда дарёга тушиб кетади. Хайриятки муз кучкилари оқиб келаётган экан.

— Ажал мендан юз ўгиргани шу бўлдики, муз кучкиси устига тушибман, — деб хотирлайди Мирзоҳид ака. Қуролдош дустлари тезда отларнинг арқонларини бир-бирига улашиб, жангчини юқорига тортиб олишади.

Уруш йиллари бўлган ҳаёт-мамот жанглари аскарларимиз учун осон бўлмади. Ана шундай мудофаа чизиқларининг бирида жангчи Мирзоҳид унг оёғидан қаттиқ яраланди. У иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб 1944 йилда она шаҳри Тошкентга қайтиб келди.

Уруш ва меҳнат фахрийси, 84 ёшли Мирзоҳид Ҳамидов ҳозирги кунда кексалик гаштини сурмоқда. Кўп йилдан бери ўзи яшаётган Собир Раҳимов туманидаги «Янги турмуш» маҳалласида ўртоқлик судини бошқаради. Пиру бадавлат отахон тўрт ўғил ва уч қизини уйли-жойли қилиб, ўттиз иккита набира ва йигирма иккита эварага бош. Умр йўлдоши Хосият опа эса унга ҳамон парвона. Кекса жангчи байрамларда мактаб ўқувчиларига уруш йилларида жангчилар кўрсатган жасоратлари ҳамда ўзининг жанговар ҳаёти саҳифаларидан сўзлаб бермоқда.

Нур АЛИ

Инсон яшашга маҳкум! Зеро унинг қанча яшаши Вақтни қизиқтирмайди. Яшаш эса соҳибидан улкан жасоратни талаб қилади.

Ҳеч бир сўз эҳтиёжсиз туғилмайди. Бизнингча жасорат деган сўз ҳам маълум кишиларгагина хос атама бўлса керак. Жумладан...

Иброҳим Бобохўжаев 1923 йил Термиз туманида туғилган. Буни қарангки, отахон умрининг тўртдан уч қисмини ўқитувчилик билан ўтказибди. Энг қизиғи, шу тумандаги 7-мактабда 57 йил (битта мактабда!) дарс берган.

Отахон II Жаҳон уруши қатнашчиси. Унинг яқинда «Шаҳидлар» номли хотиралар тўплами нашрдан чиқди. Муаллиф тўпламида маъшум урушдан қайтмаган ҳамкасблари ҳақида ҳамда ўз бошидан кечирганларини қизиқарли баён этади. Шу важдан сиз муштарийларимизга ҳам ушбу тўпламдаги ҳикоялардан бирини илиндик.

ТАҲРИРИЯТДАН

ЎРМОНДАГИ ЛАГЕРДА

... Илк бор учратганим ёғоч йўл бўйлаб анчагина юргандан сўнг ўрмон орасидаги лагерга етиб келдик. Лагерда немисга қарши яқин орада бошланажак ҳужумга тайёргарлик қизиб кетди.

Қисмимизда ёзув-чизув, ҳисоб-китоб ишларини дурустроқ эплай оладиган бошқа бирор кимсани топишолмаган шекилли, мени ротанинг «писар»и, яъни мирзоси этиб тайинлашди. Шу боис мени жанговар машқлардан озод этишиб, кўпинча чайлада қолдиришарди. Чайла деганимиз бу шох-шаббалардан бино қилинган «маскан» эди.

Аммо кўп ўтмай «писар»лик мартабасидан «истеъфога чиқиш»га тўғри келиб қолди. Зўрдан зўр чиқса оёғи типирчилар, деганларидек, бошқа бир эпчилроқ, эҳтимол, билимдонроқ кимса топилибди, чамаси, фақир масъул мартабадан маҳрум бўлиб қолди. Энди собиқ мирзо ҳам милтиқ кўтариб ўрмон орасидаги сайхонликка чиқиб ва бошқа ротадошларидек «бегом», «стой», «ложись», «пли», «коли» каби уруш «ўйинлари» ва бадантарбия машқлари билан астойдил шуғуллана бошлади.

Ана шундай жанг қилиш ва бадантарбия машқлари қизғин ва жадал бораётган кезлар эди. Бир кун рота командири чақириб олиб: «Эртага полк штабига борасан», деб қолди.

Эртаси старшина (хўжалик ишлари мутасаддиси) билан катталар минадиган «Виллис»да полк штабига бордик. Писарлик ва ўқитувчиларнинг қайтарилиши ҳақидаги тахминларим хомхаёл бўлиб чиқди. Мен учун мутлақо кутилмаган гапни айтди полк комиссари. «Мана бу «Правда» газетаси, биласан-а? Шунда сенларга аталган мактуб босилган. Ўзбек тилида. Шу мактубни юрт жангчиларига ўқиб берасан, тушундингми?» Менинг «Ҳа, тушундим», дейишимни кутиб ўтирмай яна ўзи: «Сен, ахир, ўқитувчи бўлган экансан, дуруст ўқисанг керак, таъсирли қилиб», деб газетани қўлимга тутқазди. «Правда»да ўзбекча сўзларни кўриб кўзларим чарақлаб кетгандай бўлди. Имоним комилки, ўша онларда бундан ярим аср муқаддам Россиянинг қоқ ўртаси Смоленск ўрмонларида русча газетада ўзбекча сўзларни кўриш, жонажон Ўзбекистондан йўллангану ўзбекона жўшқин, ҳароратли даъватларни ҳис этиш ҳар қандай ўзбек ўғлонини ҳам ҳаяжонлантирган, шодон тўлқинлантирган бўларди. Бунинг устига кўпдан бери газетада ўзбекча сўзларга дуч келмагандим-да.

«Правда»даги мактуб ўзбек халқининг ўз фарзандларига, яъни бизларга ёзган хати эди. Комиссар мактубдан озгина жойини ўқитиб кўрди-да: «Бўлади. Бир-икки марта ўқиб чиқ. Эртага тушлик пайтида ҳамюртларингга ўқиб берасан мактубни, тантанали йўсинда, тушундингми?» — деди.

Эртасига юз нафарга яқин ўзбек жангчилари тўпланган йиғинда камина машина кузовига чиқиб, мактубни имконият даражасида қойиллатиб ўқиб бергандим. Йигитларнинг кўпчилиги ўзбек ўғлонлари бўлса-да, орасида ярим ҳазил, ярим масхара ёппасига «юлдаши» деб атайдиган қозоқ, қирғиз, туркман, тожик йигитлари ҳам бор эди. Мактуб ватанпарварлик, қаҳрамонлик, халқлар дўстлиги ҳақида ҳаяжонли қилиб ёзилган эди.

Ҳамюртлар мактубни эътибор билан тингладилар назаримда. Лекин уларнинг кўпчилиги мактубдаги кутаринки руҳда ёзилган сўзларнинг маъноси ва моҳиятидан кўра олисларда қолиб кетган жонажон диёрлари, меҳрибон ота-оналари, ўзларига мактабдош, синфдош бўлган хушрўй қизлар ҳақида ўйлаётгандек туюлганди ўшанда менга. Нима бўлганда ҳам мактуб ҳаяжон ва мароқ билан ўқилган бўлса керак, кўпларнинг кўзлари намлангани сезилганди.

Мактуб ўқилаётганда кўзлари намланган ёшгина-ёшгина йигитчаларнинг кўплари ўша совуқ тупроқларда абадул-абад қолиб кетдилар. Фронтдан боши омон қайтган, музаффарлик шарафига муяссар бўлганларнинг кўплари ҳам мана бирин-кетин дунёни тарк этиб, тобора сийраклашиб қолмоқдалар. Начора, шоир Шайхзода айтганидек: «Вақт чопоғон, умр ўткинчи».

9 may — G'alaba kuni

БАХТИЁРЛИК АЛОМАТИ

Бахтиёрлик аломатин бири: очиқ юзлилик,
Иккинчиси: суҳбатдошга доим ширин сўзлилик.

Учинчиси: узоқ бўлиб ҳаром-хариш неъматдан,
Ҳалол меҳнат билан яшаш, ҳаққоний ризқ-рўзлилик.

Тўртинчиси: энг ажойиб тарбияли фарзандлар —
Одоб, ахлоқли, билими ўткир ўғил, қизлилик.

Бешинчиси: ҳеч хушомад қилмай раҳбар, бошлиққа,
Қорани оқ деб айтмасдан, Тўра, тўғри кўзлилик.

ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ ЖАМОЛИ

Ҳақиқий дўст жамоли дардингни аритади,
Ширин суҳбати билан кўнглингни ёритади.

Яхши дўстлар туфайли дунё гўзал кўринар,
Юзаки дўстлар эса касаллик доритади.

Кўнгилчанлик қилмасдан сохта дўст баҳридан кеч,
Хотиннинг ёмони ҳам эртароқ қаритади.

Яхши ёмон ораси осмон билан ерчадир,
Тўра, хотин яхшиси эрини бор этади.

Тўра ЖУМАН,
уруш фахрийси

ҚЎШ БАЙРАМ ҚУВОНЧИ

Фараҳли кунларнинг, байраму тантаналарнинг шодиёна онларининг сурури узгача. Дарҳақиқат, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Чунки улар, айниқса болаларга, ўсмир ёшларга кўпроқ завқу шавқ, қувноқ руҳ, сурур бахш этади. Яратишга, ижод қилишга иштиёқ уйғотади, кўнгилдаги гўзаллиқ, яхшилик ва эзгулик туйғуларини мустаҳкамлайди.

Тошкент Радиотехника, электроника ва автоматика коллежида утказилган қўшалоқ байрам — ўқув даргоҳининг 15 йиллиги ва Ғалаба байрами тантанасида қатнашар эканман, талаба ёшларнинг айни кездаги ҳолату ҳаракатларини кузатиб ўтириб, юқоридаги фикрлар кўнглимдан ўтди.

Уч авлод вакиллари иштирок этган бу тантанада меҳр-оқибат, ёши улуғларга ҳурмату эъзоз, Ватанга муҳаббат, тинч-осойишта, осуда ва шу кунларимизга шукроналик руҳи ҳукмрон бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан уруш ва меҳнат фахрийлари, коллеж ўқитувчилари, талабалар ўз сўзларида бу қутлуғ масканда ўтказилаётган қўш байрам қувончини ифода этдилар. Талабалар ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Сўнгра турфаранг баҳор гулларига тўлиб-тошган саҳна узра санъаткорлар чиқиб келишди. Қушиқлар қўйларга, қўйлар рақсларга уланиб кетди.

З.УСМОНОВА

Xullas...

ХАЙРИЯТ, ТИРИК ЭКАН!

Ажал етмаса, ўлим деганлари бекор.

Швейцариянинг аллақайси тоғига ота-онаси билан сайрга, аниқроғи, чанғида учишга борган 6 ёшли болакай бир ўлимдан қолди. Чанғи деганларининг шиддат билан учишига гап йўқ! Жарлик ёқасига келиб қолган болакай ўзини ўнгголмай қолди ва 60 метр чуқурликдаги жарга қулаб тушди. Тоғнинг қандайдир бурилиш қисмига келиб, ён-атрофга қарашсаки, бола йўқ! Ранги-қути ўчиб кетган ота-она қутқарувчиларга мурожаат қилишди. Бола қор тагида қолган ва беҳуш эди. Қутқарувчилар қўлида зўрга нафас олаётган ўғлини кўрган эрхотиннинг кўзларидан ёш чиқиб кетди: «Хайрият, тирик экан!»

БУРУН ҚУРҒУР ТУЗАЛДИ

Буюк табиб Ибн Синонинг таъкидлашича, инсонда минг бир хил дард бор. Лекин дунёда бурун битишидан ёмони йўқ экан. Швед миллатига мансуб Гуран Рудольфсон ана шу дардга чалиниб қолди. Энг кучли томизғилар ҳам Гураннинг мушкулини осон қилолмади. Кунларнинг бирида у шу қадар қаттиқ акса урган эдики, бурнидан бир бўлак латта учи чиқди. «Бемор» узунлиги 80 сантиметрча келадиган латтани худди фокусчилар сингари бурнидан тортиб чиқарди. Ие, бу қанақаси, дея бошига шап урди «иллюзиячи» ва бирдан эсига тушди. 6 ой муқаддам унинг боши операция қилинган ва жарроҳлар ҳалиги латтани суюқлик тутиб турувчи восита сифатида унинг бурун бўшлиғига тиқиб қўйишганди... Мана, энди Гураннинг бурни бинойидек тузалди-қолди!

ana shunaqa gaplar

Sport

«ҲАВАС-98» ТУГАДИ

Пойтахтимиздаги «Динамо» теннис кортларида икки кун давом этган «Ҳавас-98» республика теннис мусобақаси ниҳоясига етди. Учинчи бор ўтказилаётган ушбу беллашувнинг бош соврини Бош вазир ўринбосари М. Усмонов ҳамда теннис мураббийси Ф. Ғуломовдан иборат жуфтликка насиб этди. Умумий қилиб айттанда, ушбу тадбир мамлакатимизда теннисга бўлган эътибор тобора кучаяётганлигини кўрсатди.

ШАХМАТЧИЛАР ЭРОНДА ТЎПЛАНИШДИ

7 май куни 8 нафар ёш шахматчилардан ташкил топган Ўзбекистон Республикасининг ёшлар терма командаси Осиё чемпионатида қатнашиш учун Эронга жўнаб кетди. Унда қитъамизнинг энг кучли шахматчилари иштирок этмоқда. Мусобақалар 20 майгача давом этади.

ЧЕМПИОН — АЛИШЕР ОРТИҚОВ!

Халқаро шашка бўйича олий лига Ўзбекистон чемпионати мусобақаси ниҳоясига етди. Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ушбу чемпионатда 10 нафар шашкачи иштирок этди. Сирдарёлик спорт устаси Алишер Ортиқов 7,5 очко тўплаб, мамлакат чемпиони бўлди.

УЕФА КУБОГИ «ИНТЕР»ДА

Футбол бўйича УЕФА кубоги мусобақаси якун топди. Финалда Италиянинг икки командаси — «Интер» ва «Лацио» қатнашди. Учрашув «Интер»нинг тўла устунлигида ўтди. Улар 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, УЕФА кубогини қўлга киритдилар.

ЖОМОЛУНГМА ЗАБТ ЭТИЛАДИ

Маълумки, мамлакатимизнинг энг номдор альпинистлари дунёдаги энг баланд чўққи — Жомолунгмани забт этишга сафарбар қилинган эди. 7 майга қадар берилган маълумотларга қараганда, альпинистларимиз чўққининг 8200 метрли баландлигини забт этдилар. Яна 648 метрдан сўнг чўққи забт этилади.

maydonchasi

Sport

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги болалар ва ўсмирлар кураш спорт мактабида Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида вилоят IV спартакиадаси дастуридаги бухороча кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Мусобақада 1981—82 йилларда туғилган ўсмирлардан ташкил топган барча туманларнинг БЎСМ жамоалари иштирок этдилар.

Қизиқарли ўтган курашлардан сўнг, умумжамоа ҳисобида Пайариқ тумани халқ таълими бўлимига қарашли БЎСМ (директори Мамаюсуф Усмонов) жамоаси энг кўп очко жамғариб, биринчи ўринни эгалладилар.

Иккинчи ўринни Пастдарғом тумани халқ таълими бўлими қошидаги 1-БЎСМ (директори Ўрин Содиқов) жамоаси эгаллади.

Учинчи ўринни Ургут тумани халқ таълими бўлими қошидаги 3-БЎСМ (директори Нажмиддин Худойбердиев) жамоаси эгаллади.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндор жамоалари ва курашчиларига Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармасининг эсдалик совғалари ва дипломлари топширилди.

М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси

СОҒЛОМ ЖАМИЯТ АСОСИ

Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан биридир.

Президентимиз томонидан «1998 йил — Оила йили» деб эълон қилинганлиги боис, А. Икромов туманида ҳам Оила манфаатларини ҳимоя қилишга доир қатор хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири тумандаги 229-мактабда «Соғлом оила — соғлом жамият асоси» мавзуида ўтказилди. Унда тумандаги 13 та мактаб ўқувчилари иштирок этдилар. Туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, тиббиёт бирлашмаси, Қизил Ярим Ой жамияти ҳамда Давлат автомобиль назорати ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов ёшларни, айниқса ўсмир қизларни турмушга тайёрлашда муҳим омил бўлиши, ёшларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантиришда яхши самаралар бериши, шубҳасиз.

Танловда 197-мактаб биринчи, 44-мактаб иккинчи, 193-мактаб учинчи ўринни эгалладилар. Ғолибларга туман Қизил Ярим Ой жамияти раиси С. Салимова ҳокимликнинг ҳамда жамғарманинг эсдалик совғаларини (суратда) топширди.

Сайёра МУҲАММАДЖОНОВА

ЭЪЛОН

Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 54-мактаб томонидан Умаров Нуриддин Темирович номига берилган № АО-150319 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси ҳамда «Маърифат» газетаси жамоаси республика Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаровга падари бузруквори БАҲРОМЖОН ота вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Таълим маркази ва А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти жамоалари республика Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаровга отаси БАҲРОМЖОН ота вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, касаба уюшмаси қўмитаси ва тарих факультети жамоаси доцент Турсун Салимовга отаси Ўсар ота САЛИМОВ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлими ва туман фан ходимлари касаба уюшмаси 123-мактабнинг собиқ раҳбари А. Музрабековга падари бузруквори М. МУЗРАБЕКОВ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҚУТЛОВ



Қадрли Намоз Қаршиев! Сизни 40 ёшингиз билан чин дилдан қутлаймиз. Таълим-тарбияга йўғрилган масъулиятли ишларингизда омад тилаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг!

Арнасой туманидаги А. Қаҳҳор номидаги 8-ўрта мактаб жамоаси

ЭЪЛОН

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини битирган ўқитувчилар ДИҚҚАТИГА!

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти педагогика университети мақомини олганлиги муносабати билан ректорат институтни битириб кетган ўқитувчилар ўз дипломларини олиб кетишларини сўрайди. Диплом олувчилар ўзлари билан шахсий паспорт, ҳисоб-китоб варақаси ва мутахассисликлари бўйича ишлаётганликлари ҳақида маълумотномага эга бўлишлари зарур.

Ma'rifatsiz kishilar

ҚАЙМОҚХЎР ТАЛАБА

Яқинда автобусда ишга келаётган эдик. Ўзбекистон радиосидан Англия, Франция, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг талабалари қандай овқат ва ичимликларни хуш кўришлари хусусида эшиттириш берилаётганди. Унда асосан кўпчилик талабаларнинг сутли қаҳвани хуш кўришлари айтилдию негадир ўзимизнинг талабаларнинг севимли овқатлари хусусида гап кетмади. Шунда йўловчилардан бири бизнинг талабалар яхши кўрмайдиган овқатнинг ўзи йўқ. Топганини паққос тушираверади, деб қолди. Атрофдагилар гурр этиб кулиб қўйишди.

Хуллас, Бекобод бекати тармоқ ИИБга Рухсатой исмли аёл ариза билан мурожаат қилди. Ленинобод вилоятининг Пролетар туманида яшовчи бу аёлнинг аризасида унинг нархи 6750 сўм бўлган 27 дона 1 литрлик идишга жойланган қаймоғини ўғирлаб кетишгани баён қилинганди.

Тезкор қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилгач, кўп ўтмай бошини қашлаб турган бир киши қўлида қаймоғи билан тутиб келтирилди. Не ажабки, қаймоқ ўғриси Бекобод шаҳридаги ҳунар-техника билим юртида таҳсил олувчи Баҳром М. бўлиб чиқди.

Дарвоқе, унинг бу ҳунаридан билим юртида, бирга таҳсил олаётган дўстлари хабар топишса, улар нима деркин? Ёки автобусдаги йўловчи айтанидек, бу талаба ҳам топганини кўтариб кетдимикин...

АЧЧИҚНИ АЧЧИҚ КЕСМАДИ

Бир қоп мурч кўтариб кетаётган Одинахонни бир йигитча тўхтатдию қопда нима бор деб сўраб қолди. Нима бўларди, мурчда, деб жавоб берди у.

Шунда у, мен божхона ходимиман, дея унинг йўлини тўсди. Агар битта яримта билан газак олиб берсанг кетасан, деб туриб олди. Бу тортишув устидан чиқиб қолган ички ишлар ходимлари «божхоначи» билан яқинроқ танишмоқчи бўлишганди. У жуфтакни ростлашга шайланди.

Кейин маълум бўлишича, Жиззах вилоятининг Зарбдор шаҳрида яшовчи Александр В. божхоначи эмас экан. Ҳозир у мурчнинг ўзини ароқсиз газак қилиб, акса урганча тушунтириш хати битмоқда.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Абдураҳмон ЖУРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6